

Дезинфекция код. 81.29.11.000-00001 СГ 4232200.



«Тасдиқлайман»  
Риштон тумани Халқ таълими  
бўлими мудирини

Ш. Мадаминов

“ 12 ” 09 2022 й

**Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун**

**ТАНЛОВ ХУЖЖАТИ**

Дезин

**Риштон-2022 й**

## Танлов хужжатларининг мазмуни:

### I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома

### II. Техник қисм

### III. Нархлар қисми

#### ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

#### 1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ.

1. **Дезинфекция:** Биноларда дезинфекция (АБК) Ойда 1 марта
2. **Дезинсекция:** Канализациясиз хожатхоналарда пашшага карши Ойда 2 марта
3. **Дератизация:** кемирувчиларга карши кураш Ойда 2 марта

Хизмат курсатиш.

- 1.2. **Танлов қиймати Дезинфекция:** Биноларда дезинфекция (АБК) Ойда 1 марта 1 кв 80 сумдан 5 ой 162 500 кв \*80 сумга жами **13 000 000 сум** . 2 **Дезинсекция:** Канализациясиз хожатхоналарда пашшага карши Ойда 2 марта 1 дона 9287 сумдан 5 ойда 1300 х 9287 сумдан жами **12 073 100 сум** . 3) **Дератизация:** кемирувчиларга карши кураш Ойда 2 марта 1 кв 35,0 сумдан 5 ойда 426482мкв \*35 сумга жами **14926870**

. Умуми сум **39 999 970 (уттиз туккиз миллион туккиз юз тусон туккиз минг туккиз юз етмиш ) сум** . Ушбу қийматдан ортик қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.4. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 2022 йил охиригача .

1.5 Ишларни бошлаш муддати– аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

1.2. Танловнинг юкори қиймати ҚҚС сиз **39 999 970 ((уттиз туккиз миллион туккиз юз тусон туккиз минг туккиз юз етмиш ) сўм**. Ушбу қийматдан ортик қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3. Махсулот бўйича Техник топшириқ танлов хужжатларининг техник қисмда илова қилинган.

**Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиккан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.**

1.4. Махсулот етказиб бериш муддати: Буюртмачи ва ғолиб бўлган қатнашчи билан шартнома имзоланган кундан бошланади.

1.5. Буюртмачи “Етказиб берувчи”га тегишли манзилли дастурга асосан маблағ ажратилганидан сўнг шартнома бўйича умумий жорий қийматининг 30% миқдоридан аванс тўловини ўтказиб беради.

1.6. Жорий молиялаштириш етказиб берилган махсулот сифати текширилиб, қабул қилингандан сўнг берилган авансени пропорционал равишда ушлаб қолган ҳолда, етказиб

берилган махсулот учун бюджет маблаглари ҳисобидан объект умумий шартномавий кийматининг 70 фоизи доирасида амалга оширилади.

## 2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. Риштон тумани Халқ таълими бўлими (бундан кейин "Буюртмачи" деб аталади) - танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

**"Буюртмачи" манзили: Ўзбекистон Республикаси, Фарғона вилоят, Риштон тумани**

2.2. Танлов "Буюртмачи" томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов "Буюртмачи" томонидан тузилган харид комиссияси томонидан конунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

## 3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 3 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади:

- шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;
- ўз кучлари билан илгари етказиб берилган махсулотлар ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;
- Лицензия, гувоҳнома;
- Танлов иштирокчисининг солиқ тўловларидан бўлган қарздорлик маълумоти;
- Кафолат хати (буюртмачига ишларни таклиф қиймати, топшириш муддатини кўрсатиб тасдиқлаган ҳолда).

### Низом маблағи миқдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди: қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

## 4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар, маълумотлар "Буюртмачи" ва "Иштирокчи" ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.2. танлов ҳужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши лозим:

- Техник қисмда, "Буюртмачи" томонидан қўйилган техник талаблар асосида, бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;

• Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби, якуний тўловлар ва бошқа боғлиқ кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

Танлов иштирокчилари хар бир талаблар бўйича ўз таклифларини яхлит ҳолда PDF форматда, ваколатли шахс имзоси ва муҳр билан тасдиқланган ҳолда ёки хар бир варағини муҳрлаб тасдиқланган ҳолда электрон равишда платформага жойлаштириши лозим.

4.3. Қуйидаги ҳужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича қуйидаги таклифлар:

• Техник ҳужжатлар рўйхати (брошюралар, техник паспортлар ёки ўхшаш ҳужжатлар рўйхати илова қилинади);

• Нархлар таклифи ва нархлар бўйича жадвал тўлдирилиши ва илова қилиниши лозим.

4.4. Танлов иштирокчиси:

- фақат битта таклиф бериши мумкин;

- тақдим этилаётган ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;

- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

## **5. ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ**

5.1. Таклифлар муддатини узайтирилиши фақат харид комиссияси йиғилиши қарори асосида амалга оширилади.

5.2. Танлов муддатини узайтириш тўғрисидаги қарор махсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

## **6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

6.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар

6.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда голиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

6.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча ҳужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилиги жавобгардир. Голиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

## **7. БОШҚА ШАРТЛАР**

7.1. Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга

ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов ҳужжатларининг коидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

7.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади

Котиб:



Н. Махмудова

**БАЁНИ ВА ҚАРОРИ №4.**

12 09 2022 й.

Риштон тумани.

**1.Кун тартибидагимасала:** Риштон туман халқ таълими бўлимига қарашли мактаблар ўқув биноларни дезинфекциялаш иш турлари, тўғрисида.

**2.Раислик килувчи:** Риштон туман Халқ таълими бўлими мудир Ш. Мадаминов.

**Катнашдилар:** Риштон туман Халқ таълими бўлим мудир Ш. Мадаминов, мудир ўринбосари А. Хонқулов, бош муҳандиси Ж. Якубов, В. В. Б бош ҳисобчи Н. Махмудова, ва Мониторинг бўлими бошлиги Б. Акбаров.

Йиғилишда Риштон туман Халқ таълими бўлими мудир сўз очиб, Риштон туман халқ таълими бўлимига қарашли мактаблар ўқув биноларни дезинфекциялаш иш турлари, кераклигини гапириб утиб, мудир ўринбосари А. Хонқуловга сўз берди.

Сўз олган А. Хонқулов ҳақиқатдан ҳам Риштон туман халқ таълими бўлимига қарашли мактаблар ўқув биноларни дезинфекциялаш иш турлари, лозимлигини йиғилиш катнашчиларига тушунтириб ўтди.

**Юқоридагиларни инобатга олиб йиғилиш**

**қарор қилади:**

1. Риштон туман Халқ таълими бўлими мудир сўз очиб, Риштон туман халқ таълими бўлимига қарашли мактаблар ўқув биноларни дезинфекциялаш иш турлари, вазифаси бош муҳандис Ж. Якубовга юклатилсин.
2. Риштон туман Халқ таълими бўлими мудир сўз очиб, Риштон туман халқ таълими бўлимига қарашли мактаблар ўқув биноларни дезинфекциялаш иш турлари, пудратчи ташкилот билан шартнома тузиш ҳамда тўловларни амалга ошириш вазифасини В. В. Б бош ҳисобчи Н. Махмудова юклатилсин.

Ушбу қарорни бажарилиши устидан назоратни ўз зиммамда қолдираман.

Риштон туман Халқ таълими  
бўлими мудир:

Котиба:



Ш. Мадаминов.

Н. Махмудова